# Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1992 йил 11 июль • шанба

№ 104 (10.353). Баҳоси 2 сўм.


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ИЛМ-ФАННИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Фан-техника имкониятларини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда фаннинг аҳамиятини ошириш ҳамда муҳим тадқиқотлар ва инновация жараёнлари кенгайтирилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Илмий-тадқиқот институтларида ва олий ўқув юртларида хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек инновация ишлари 1992—1995 йилларда қўшимча қийматдан солиқ тўлашдан озод қилинсин.

2. Вазирлар маҳкамаси илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш юзасидан бир ҳафта муддат ичида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 июль.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори*

## ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ҳарбий қасамёднинг қуйидаги матни тасдиқлансин:

«Мен, (фамилияси, исми, отасининг исми), Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари сафига кирар эканман, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан.

Мен Ўзбекистон Республикасининг конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, қўмондонлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.

Сўнгги нафасим қолгунча она Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққати ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.

Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бузсам, қонунларда белгиланган жазога ва халқнинг нафратига мубтало бўлай!»

2. Белгилаб қўйилсинки, ҳарбий қасамёдни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларга, муассасаларга, бошқа ҳарбий қўшилмаларга ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар, ҳарбий ўқув юртларининг илгари ҳарбий қасамёд қабул қилмаган курсантлари қабул қиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизматни ўтаётган ва илгари ҳарбий қасамёдни қабул қилган ҳарбий хизматчилар қасамёд қилдирилмайдилар.

4. Ҳарбий қасамёд қилдириш тартиби тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**
**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

**Республика Олий Кенгаши сессияси қарорларини амалга оширамиз**

# ПАРКЕНТЛИКЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ

Вилоятимизнинг барча ҳудудларидаги каби Паркент районида ҳам Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн иккинчи чақириқ ўнинчи сессияси материалларини аҳоли орасида тушунтириш, бу ҳужжатларда ўз аксини топган режаларни амалга оширишга эътибор кучаймоқда. Ўтган куни район ҳокими маҳкамаси ёнидаги шинамгина клубга депутатлар, хўжалик раҳбарлари, ташкилотлар ва муассасалар фаоллари тўпландилар. Анча олдиндан белгилаб қўйилган халқ депутатлари район Кенгаши сессияси кун тартиби муҳим ва долзарб масала билан бойиди. «Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясидаги Ислом Каримов нутқи ва сессияда қабул қилинган Мурожаатнома асосида район аҳолиси олдида турган вазифалар тўғрисида» район ҳокими Эркин Рўзматов маъруза қилди.

— Ғоят ишчанлик руҳида ўтган бу сессияда,— деди у,— республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи батафсил таҳлил этиб берилди. Ҳозирги мураккаб шароитда мустақиллик йўлидан бораётган Ўзбекистонни иқтисодий танглиқдан ҳалос этиш, истиқлолни мустаҳкамлаш борасидаги амалий тадбирлар ҳақида гап борди. Биз Президентнинг қаерда тинчлик, хотиржамлик бўлсагина шу ерда фаровонлик таъминланади, эл турмуши яхшиланиб боради, деган сўзларига тўла қўшиламиз. Сессияда республикамизда тинчликни барқарор қилиш, байналмилал дўстликни, чет мамлакатлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд қилинганлиги эътиборга лойиқдир. Қолаверса халқимизнинг хоҳиш-иродаси шундай.

Айни пайтда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик ҳар қандай мушкулликлардан ҳалос этишини маърузачи таъкидлаб, нутқини мисоллар билан бойитди. Шу йилнинг биринчи ярмида ногоҳ келган табиий офат, кейин кетма-кет ёққан сел туфайли район аҳолиси бошига ташвиш тушганда вилоят ҳокими, унинг маҳкамаси кўрсатган самимий ёрдам учун миннатдорчилик билдирди.

— Бир қатор районлар билан бирга Паркент райони учун ҳам ёрдам жамғармасидан ажратилган маблағ етиб келди,— деди район ҳокими,— биз уни зарар кўрган хўжаликларга, оилаларга тақсимлашда давом этяпмиз.

Маърузачи сўнгги пайтларда республика Президентининг ташаббуси, саъи-ҳаракати билан мустақилликка юз тутган Ўзбекистонни таниб бораётган чет эл мамлакатлари сони кўпаяётганлигини, элчихоналар очилаётганлигини, динга кенг йўл берилганлигини ҳам қайд қилиб ўтди. У район хўжаликлари, меҳнаткашлар сессия қарорларини бажаришга бир жон, бир тан бўлиб киришадилар, деди.

Анжуманда сўзга чиққан «Коммуна» давлат хўжалигининг директори, Республика Олий Кенгашининг депутати Аширмат Ҳожиматов сессия қишлоқ аҳолиси турмушини янада яхшилашга алоҳида эътибор берганлигини қайд қилди ва сессияда деҳқонлар кўнглидаги гаплар айтилганини билдирди.

У халқ ноиблари эътиборини аҳолини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш, жамоа мулкини талон-тарож қилувчиларга қарши курашни кучайтириш, ёшларни меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларга қаратди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Аҳилликда гап кўп

Куни кеча Юнусобод районидаги «Янгиариқ» маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида қабул қилинган сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаатнома муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Маҳалла қўмитаси раиси, ҳуқуқшунос-олим Кабир Комилов бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ҳозирги оғир даврда Президентимиз, Олий Кенгаш ва ҳукумат мустақил республикамиз жаҳонда ўз ўрнига ва нуфузига эга бўлиши, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш борасида олиб бораётган ишлари ҳақида батафсил, факт ва рақамлар асосида сўзлаб берди. Хусусан, Гуржистон, Жанубий Осетия ва Молдовада, айниқса, Тоғли Қорабоғ чегарасида рўй бераётган фожиалар оқибатида ҳеч айби бўлмаган болалар ва оналар қони тўкилаётганлиги ҳар бир соф виждонли киши қалбини ларзага солади.

— Худди ана шундай оғир вазиятда Президентимиз ниҳоятда одилона йўл тутаётганлиги учун ҳам оллоҳга шукурки, бизда осойишталик ҳукм сурмоқда,— деди йиғинда сўзга чиққан Маҳмуд ота Холматов,— биз кексалар ҳам бу муҳим ишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз, ёшларимизни тўғри йўлга солиб, улар орасида аҳиллик, тотувликни таъминлашимиз даркор.

Шунингдек, маҳалланинг ҳурматли отахонлари Обид ота Абдураҳмонов, Акром ота Ризаев, 90 ёшли Абдуқодир оталар ҳам аҳилликда гап кўплиги, шундай оғир дамда Президентимиз тутаётган тинчлик йўлини қўллаб-қувватлаб, унинг атрофига маҳкамроқ жипслашиш зарурлиги ҳақида сўзладилар.

**Абдуфаттоҳхожи НАБИХЎЖА ўғли.**

## XXI ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият ташкилотларини қайтадан тузиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. XXI чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XI сессияси 1992 йил 24 июлда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Сессия муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши X сессиясининг қарорларини бажаришга доир чора-тадбирлар тўғрисида.

2. Вилоятдаги халқ хўжалиги иншоотларини 1992—1993 йилги кузги-қишги мавсумда ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисида.

3. «Тошкент вилояти ҳокими ва унинг ваколатли ташкилотлар — халқ депутатлари кенгашлари билан ўзаро муносабати асослари тўғрисида»ги муваққат Низом тўғрисида.

4. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг иш тартибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

5. Тошкент вилояти ҳокими маҳкамаси тизимида қўмиталар, бошқармалар, бўлимлар, бирлашмалар ва уюшмалар тузиш тўғрисида.

6. Тошкент вилояти ҳокими маҳкамасининг бўлинмалари раҳбарларини тасдиқлаш тўғрисида.

**Тошкент вилояти ҳокими**
**С. Д. САЙДАЛИЕВ.**

7 июль 1992 йил.
Тошкент шаҳри.

ОДАМЛАР ВА ТАҚДИРЛАР

# ЎЗИДАН ҒОЛИБ КЕЛГАН ЙИГИТ

Омадсиз қолганда хира кунларинг,
Ситамлар тилганда қора тунларинг,
Ҳатто юз ўгирса ёру-дўстларинг,
Руҳингни туширма, ўзингдан ғолиб
кел!

...Ушбу сатрларни ўқийману, назаримда сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлган йигитнинг дилидан отилиб чиққандай бўлади бу ҳаяжонли мисралар.

Бу йигит ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам мушкул. Осонлиги шундаки, чеҳраси ёқимтой, самимий ва суҳбатижон Обиджон билан гурунглашгингиз келаверади. Чунки Обиджонинг ҳаётга интилишлари, орзу-ўйлари, келажак ҳақидаги фикрлари теран.

Қийинлиги эса... Мана шу поёнсиз орзуларининг ортидан чопқиллаб юролмаслигида. Тўғриси бу ҳақда ёзишни ҳам хоҳламайсан. Қаршингдаги навқирон қалб эгасини аягинг келади. Унинг беғубор вужуди титрашидан, кўнгил яралари тирналишидан чўчийсан. Обиджоннинг кўзларига боқиб, армонли нигоҳларига дош беролмайсан. Бахтсиз тасодиф туфайли трактордан йиқилиб, умуртқаси қаттиқ лат еган 16 ёшли йигит юролмай қолди... Мана шунга ҳам 12 йил бўлиб қолди.

Бу оила учун кутилмаган кўргулик эди. Оилада уч қиз вояга етган бўлса ўғил — шу Обиджон эди. «Ёшлик» ойномасининг 1984 йил, 11-сонида «Токи сен бор экансан дунёда» мақоласига акс-садо тарзида ёзилган О. Юсуповнинг дил мактуби ҳам жуда кўплаб мухлислар қалбини забт этган, ҳаяжонлантирган эди. Шундан сўнг Обиджон ушбу мактубига жумҳуриятимизнинг турли вилоятлари, ноҳиялари, шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилувчи тенгдошлари, дўстларидан жавоб олган, тўғриси мактубларнинг саноғига ҳам етолмай қолганди. Уларни Обиджон ҳанузгача сақлайди, кўнглини кўтаргучи самимий мисраларни бот-бот эсга олади. Обиджоннинг ўзи ёзганидек, дастлабки операциянинг яхши қилинмаганлиги натижасида кейинги уринишларнинг нафи бўлмайди. Бу орада неча йиллар ўтди. Куйбишев, Пятигорскда даволаш муддатларини такрорлади.

Обиджоннинг кровати тепасида машқ қилиш учун ҳаракат воситалари ўрнатилган. Унинг мўъжазгина хонасида рўзнома, ойномалар тахлами. Турли адабиётлар, шеърий тўпламлар, ўзининг ижодий машқлари.

Обиджон Юсупов Ўртачирчиқ ноҳиясининг Ўртасарой жамоа хўжалигининг Абай бўлимида истиқомат қилади.

Хонадон соҳиби Сайдали ака, умр йўлдоши Нафиса аяларнинг қадоқ қўллари мана шу жамоа хўжалиги юмушларида қабарган. Уларнинг ҳар иккиси қарийб эллик йил меҳнат қилиб, фарзандларини ҳам ҳалол тарбиялашган. Жиккакгина, ҳаракатлари чаққон Нафиса опа ўтирғизгали жой тополмайдилар. Дастурхон тузаб, илтифот билан чойга таклиф этарканлар, оналик меҳри чеҳраларида шундоққина уфуриб турарди. Излаганимиз Обиджон эса жиянлари даврасида суҳбат қурарди. Жажжигина Нодира, Наргиза, Беҳзодларнинг бири қўйиб бири савол беришар, «Тоғажон, шеърларингиздан ўқиб беринг», деб чуғурлашарди. Обиджон уларнинг даврасида бўлса сира ҳам зерикмайди, — дейди Нафиса опа, — Ёзган янги шеърларини аввало уларга ўқиб беришдан завқланади.

Сайдали аканинг нигоҳларида эса мунг, армон кўраман. Ҳаётга умид кўзлари билан боқувчи камтарин йигит эса тақдиридан нолимайди, одамларнинг, дўстларининг унга ачинишларини асло истамайди. Аксинча китоблар оламига шўнғиб, улардан мадад олади, қўлига қалам олиб юрагидаги дардларини, туғёнларини сатрларга кўчиради. Қайта-қайта ёзиб, маъқул бўлсагина қоғозга туширади. У адабиётни севади, шеъриятни қадрлайди, шу боисдан умид билан яшашга ҳақли эканлигини дилдан ҳис қилади.

— Орамизда яхши одамларнинг борлигидан қувонаман, — дейди у суҳбатга киришиб кетар экан. — Савобталаб, хайрли ишларга дахлдор инсонлар сени ҳамиша тушунишга ҳаракат қилишади, қўлларидан келгунича кўмак беришга ошиқишади. Унинг ўзи ҳам кишига қанчалик севинч бағишлайди. Бундайлар маҳалламизда талайгина.

Ҳа, ҳар қандай машаққатларни ҳам мустаҳкам иродаси билан .енга олган йигит ўз бошидан кечирган қийинчиликлару, тортган азобларини эслашни хоҳламайди, ҳаттоки сўзлашни ўзига эп кўрмади. 10 йилдан зиёд ногиронликнинг жабрини тортиш, дақиқаларни юрак туғёнлари билан ўтказишнинг ўзи бўладими? У эса нақадар қийин дамларни ҳам оқ қоғозга юрак туғёнларини туширишдек завқли машғулоти билангина енгиб келади.

Обиджон орзулари ҳақида ҳаяжонланиб, гўёки ногиронлигини, дунё ташвишларини унутиб сўзлайди. У келажакда адабиётчи бўлмоқчи, орзуларининг амалга ошиши учун эса олийгоҳга кириб ўқиш, қунт билан билим олиш истаги кучли. Шунинг учун ҳам вақтини бекор ўтказмайди. Ўқийди, ёзади, изланади, энг муҳими умид билан яшайди. Обиджоннинг кўнглини кўтариб, энг самимий дил сўзлари изҳор этиб ёзилган мактубларга кўз югуртириб хаёлга толаман. Чимкент, Тўрткўл, Фарғона, Сирдарё, Самарқанддан келган хатлар. Олмахон, Дилфуза, Насиба, Дилрабо, Шоира, наманганлик бир гуруҳ колхозчи қизлар. Ленинакандан Манзура ва Маъмуралар йўллаган мактублар, улар битган самимий сатрлар...

Қанийди тақдир тақозоси билан матонатли қалб соҳиби мусаввир (раҳматли) Рауф Аҳмедовнинг ҳаётига қувонч бўлиб кириб, борлигини баркамол айлаган жасоратли қиз Муножотхоннинг садоқатини такрорлайдиган қиз Обиджонга ҳам насиб этса. Шундай саховатли, меҳригиёли, камтарин ва меҳнатсевар кишилар яшайдиган файзли хонадонни обод, кўнгилларини эса чароғон айласа. Шундай бўлишига жуда-жуда ишонгим келади. Қўлида қалам тутиб, ҳаётга муҳаббатини самимий сатрларда акс эттираётган, кўзларида ёрқин келажакка ишонч ёғдулари балқиган йигитга қараб туриб, уни ўз оёқларида чопқиллаб кетишига, поёнсиз орзулари узра қувиб етишига умид боғлагим келади.

Обиджоннинг тушкунликка тушишга асло ҳаққи йўқ. Чунки шундайлар борки, тўрт мучаси соғ бўла туриб ҳам бир оғиз салом беришга, кўнгли шикаста одамнинг юрагига тасалли беришга ярамайдилар ёки истамайдилар. Бундайлар олдида покиза туйғулари жўш урган йигитнинг сабру-тоқати, матонати ибратомуз эмасми? Ҳали шундай кунлар келадики, Сайдали ака билан Нафиса аянинг умид чироқлари ёниб, хонадонларини, меҳрибон бағрларини ширин-ширин набираларининг шодон кулгулари тўлдиражак.

Обиджон оёққа туриб, қалб қўри, юрак тўрларини бахшида этаётган падари бузруквори, муҳтарама волидаси қаршисига таъзимла чиқажак. Обиджон Юсупов тез-тез ноҳия рўзномаси бўлмиш «Машъал» муҳарририятида бўлиб туради. Ижод аҳли билан баҳслашиб, билмаганларини ўрганади, машқлари билан ўртоқлашади. Ўзидан ғолиб келиб яшаётган йигит Ўртачирчиқ ноҳияси Ўртасарой жамоа хўжалигининг Абай бўлими, 39-уй тўрида келажак сатрларини, орзу ўйларини, армонларини битаётир. Қуйидаги сатрлар эса Обиджон учун атаб ёзилгану у буларни ўз ҳаёти учун шиор айлагандек гўё:

Орзу-ўйларингни босганда туман,
Ғам-алам дастидан чекканда фиғон,
Тўсилиб қолганда сен учун осмон,
Бош эгма ўзингдан ғолиб кел!

Йўлингдан адашиб, гар кезсанг
сарсон,
Излаб тополмасанг биронта имкон,
Тинмай азоб чексанг ёмондан-ёмон,
Бош эгма, ўзингдан ғолиб кел!

Анора КАРИМОВА,
журналист.


# ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ МАТБАА КОНЦЕРНИ**

фирмаларнинг иш юритиш қоғозлари, шахсий гувоҳномаларга янги герб туширилган ҳолда тайёрлаб бериш кафолатини олади. Буюртмалар чекланмаган тарзда қабул қилинади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** **Ленинград кўчаси, «Шарқ» концернининг офиси.**

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-50-75, 33-84-78, 33-80-07, 33-90-50.

---

**ТИЖОРАТЧИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?
МОСКВА ТИЖОРАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ЧЕЛЯБИНСК БЎЛИМИ
СИЗЛАРНИ ЎҚИШГА**

## ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Москва Тижорат Университети МДҲдаги бозор иқтисоди учун олий малакали ходимлар — тижоратчилар ва менежерлар тайёрлашга киришган дастлабки ўқув юртидир.

**Челябинск бўлими** — Университетнинг энг йирик бўлимларидан биридир. Кейинги йилларда талабаларни тайёрлаш йўналишлари жиддий равишда ўзгарди.

Бу бўлим нафақат савдо учун мутахассислар тайёрлайди, балким хизмат кўрсатиш соҳалари учун ҳам, меҳмонхона хўжаликлари, саёҳат, ишлаб чиқариш воситалари савдоси ва бошқалар учун ҳам мутахассисларни тайёрлаб етказиб беради.

**МТУНИНГ ЧЕЛЯБИНСК БЎЛИМИ ҚОШИДА УЧТА ФАКУЛЬТЕТ МАВЖУД:**

1. **БОШҚАРУВ факультети** — савдо, умумий овқатланиш корхоналари, меҳмонхона мажмуалари ва саёҳат, маҳсулотлар ҳаракатининг технологик жараёнларини бошқариш соҳалари бўйича **БАКАЛАВР**ларни тайёрлайди.

**Менежер даражаси берилади.**

2. **МОЛИЯ-ҲИСОБ факультети** — савдо, умумий овқатланиш корхоналари, меҳмонхона мажмуалари ва саёҳат корхоналарининг молия-хўжалик фаолиятидаги ҳисоб ва аудитория, бозор муносабатларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатишнинг молия-қарз фаолияти соҳалари бўйича **иқтисодчи БАКАЛАВР**ларни тайёрлайди.

**Молия иқтисодчиси даражаси берилади.**

3. **ТИЖОРАТ факультети** — умумий овқатланиш корхоналари, меҳмонхона мажмуалари ва саёҳат корхоналарининг бозор муносабатларида маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш усулларининг тижорат фаолияти, бозор муносабатларида ишлаб чиқариш воситаларининг тижорат фаолиятлари соҳаси бўйича **тижоратчи БАКАЛАВР**ларни тайёрлайди.

**Тижоратчи даражаси берилади.**

**БАКАЛАВРЛИК ФАНИ БЎЙИЧА БАРЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МУДДАТИ — 4 ЙИЛ.**

Университетга абитуриентларни қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади, шунингдек, турли хил давлат корхоналари, акционерлик жамиятлари ва бошқалар билан шартномалар бўйича ҳам қабул қилади.

**Шартнома асосида мутахассисларни тайёрлаш учун йилига 50 МИНГ СЎМдан тўланади.**

**Аризалар танлов асосида 14 ИЮЛГАЧА, шартномалар бўйича эса 4 АВГУСТГАЧА қадар қабул қилинади.**

**АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ:** ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат, 3×4 см. ҳажмдаги 6 дона сурат, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат (шахсан кўрсатилади), шартномали асосда ўқиш учун ҳужжатлар (маълумотнома ва нусхаларнинг берилган муддати 3 ойдан ошмаган бўлиши керак).

**КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ФАКУЛЬТЕТНИНГ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИНИНГ БАРЧАСИГА ҚУЙИДАГИЧА ЎТКАЗИЛАДИ:**

**ТАНЛОВ АСОСИДА — 15 июлдан 31 июлгача,**
**ШАРТНОМАЛИ АСОСДА — 5 августдан 15 августгача.**

**Имтиҳонлар қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади:**
**МАТЕМАТИКА** (ёзма);
**РУС ТИЛИ** (диктант);
**ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ** (оғзаки).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль, ўрта махсус ўқув юртини ёки ўрта ҳунар-техника билим юртини аъло баҳолар билан, (8 ёки 9 синф негизида), тугатганлар қабул комиссияси томонидан белгиланган битта имтиҳонни топширадилар.

**ТАНЛОВДАН ТАШҚАРИ кириш имтиҳонларидан қониқарли баҳо олган қуйидаги абитуриентлар ўқишга қабул қилинадилар:**

**— захирага бўшатилган ва имтиёзли ҳуқуқли гувоҳномаси бўлган ҳарбий хизматчилар, етим ўсган болалар, ота-оналар назоратисиз ўсган болалар, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари, Чернобиль фожиаси оқибатида нурланиш касалига чалинган ёки шу касалликни бошидан кечирган ва яшаш жойидан кўчирилганлар, ҳамда белгиланган нусхадаги махсус гувоҳномали шахслар.**

**МТУНИНГ ЧЕЛЯБИНСК БЎЛИМИГА АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ:** 454000, Челябинск шаҳри, Оржоникидзе кўчаси, 50-уй, 101-хона, телефон: 37-19-43.

Ойнаи жаҳонда

# КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

## Душанба, 13. VII

### ● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Саҳий эртак». Мультфильм.
18.25 Болалар учун концерт.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Шеърият дафтаридан». Зоҳиджон Обидов.
19.35 «Элга хизмат — олий ҳиммат».
20.05 «Фитрат». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Изро Малаков куйлайди.
22.15 «Сени излаб». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

### ● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими: бугун ва эртага». Бевосита мулоқот.
20.55 «Миришкорлар».
21,10 «Билиб қўйган яхши».
21.25 «Қурилиш: тажриба ва муаммолар».
22.10 «Лаҳза». Хабарлар.
22.20 «Марди-майдон». Бадиий фильм.

### ● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Тарих босқичлари» рукни остида. «Буюк Ипак йўли». Телефильм (Тошкент).
8.40 «Уя». Бадиий фильм.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Ҳордиқ чиқаринг».
14.40 «Куйловчи Россия». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
15.45 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Қуёшни излаб» (Конго).
15.55 «Қуённикида ҳовли тўйи». Мультфильм.
16.15 «Йозеф Гайди «Красний-да». Белорус болалар бадиий жамоаларининг чиқиши.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «НЭП».
17.50 Футбол шарҳи.
18.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қора роҳиб». Бадиий фильм («Мосфильм»).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Спорт уик-энди».
20.40 «Янги студия» таништиради: «Боғ сайри». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
00.10 «Джаз туни».

### ● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Ҳақиқат онлари».
8.45 Маза, каникул. «Болек ва Лолик каникулни қандай ўтказишяпти?». Мультфильм.
9.50 «XX аср: кадрда ва кадр ортида».
10.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.15 «Сан-Винсент-92» фестивали.
12.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 61-серия.

* * *

14.15 «Зилол сувли қудуқларга қайтиш».
14.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
15.45 Янгиликлар.
16.00 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.15 Трансросэфир. «Урал-ТВ».

### ● «ОВРООСИЁ»

16.55—19.00

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Болалар даврасида».
18.00 «Омад».
18.30 «Саноатлаштириш йўлида». Ҳужжатли фильм.

*

19.00 АҚШ телефильмлари ҳафталиги. «Олов ёмғири остида». Бадиий фильм. «Сан-Франциско кўчалари» телетуркумидан.
19.50 «Гўзаллик танлови». Ҳужжатли фильм. «Америка хроникалари» туркумидан.
20.15 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Англиядан кўрсатилади.
22.45 Ретро. «Футбол ҳақида».
22.55 «Экзотика».

## Сешанба, 14. VII

### ● ЎзТВ I

17.20 Янгиликлар.
17.30 Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. «Пахтакор-79» АФК (Ўзбекистон) — «Алилуя» (Жанубий Корея). «Меҳнат резервлари» ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Спортлото».
19.15 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.30 «Саховат».
20.00 Санъат усталари концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Аёл қадри». Публицистик кўрсатув.
22.30 «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

### ● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Суҳбатга таклиф этамиз».
19.20 «Алоқалар ва шартномалар».
19.50 «Мусиқали меҳмонхона».
20.20 «Бурда моден» таклиф этади...».
21.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

### ● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Табиат оламига саёҳат» рукни остида. «Гидронавтлар».
9.25 «Бодрингвойнинг саргузаштлари». Мультфильм.
9.35 «Қора роҳиб». Бадиий фильм.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 Телефильмлар: «Оппоқ кема», «Кунгурлик мусаввир».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Ольга Иванова сабоқлари».
14.40 «Куйловчи Россия». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.55 Болалар учун фильм. «Мен қандай қилиб вундеркинд бўлдим». 1-серия.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
17.50 Р. Керер ижросида Ф. Шопен асарларидан концерт.
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Квартира». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.05 «Беш ҳалқа».
21.35 «Ўғирланган олтин». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Хусусий изқуварнинг саргузаштлари» сериясидан (Венгрия).
22.40 Эдуард Трескин куйлайди. Қозондан кўрсатилади.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 «Видеодром».
00.10 «Жуда соз». «Доктор Ватсон» шоу-гуруҳи иштирокида фильм.
00.40 «Ҳинд киноси мухлисларига». Киноконцерт.

### ● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Трансросэфир. «Кичик шаҳарларнинг катта муаммолари».
8.20 «Китобхона».
8.35 Ишдан бўш пайтингизда. «Дўстларимиз — мушуклар».
8.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
9.50 «Тилла шпора».
10.20 Ретро-«КВН». «Подмосковьелик йигитлар».
11.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.25 Кундузги сеанс. «Робинзоннома ёки менинг инглиз бобом». Бадиий фильм.
14.05 «Простор⊥».
14.35 «Болалик орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 10-серия (Франция).
14.55 Мульти-пульти.
15.05 «Рост» студияси. «Тонлабиринт».
15.35 Янгиликлар.
15.50 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.05 «Россияга қараган ойна».

### ● «ОВРООСИЁ»

16.55—19.30

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Серташвиш оила».
18.30 «Сув билан келган маданият». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.

*

19.30 АҚШ телефильмлари ҳафталиги. «Хоинлик». Бадиий фильм. «Сан-Франциско кўчалари» телетуркумидан.

### ● «ОВРООСИЁ»

кўрсатувларининг давоми

Мусиқий кўрсатув.
20.50 Манзарали фильм.
21.02 Хабарлар.
21.20 «Унсиз оламдаги сайрлар». Ҳужжатли фильм.
21.45 «Коктейль».
22.30 Эрманда Туркия киноси.

## Чоршанба, 15. VII

### ● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
7.55 «Ғариб чоллар». Бадиий фильм.
9.30 Араб тили.
10.00 «Сув кетар — тош қолар». Телефильм.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тўс-тўполон». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Тилга эътибор».
20.00 «Волидангни рози қил». Абдулҳай Каримов куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Олтин бешик». Фарғона вилоятига бағишланади.
22.10 «Экран таништиради...».
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

### ● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
20.10 «Шарқ лирикаси». Рудакий.
20.30 «Ўзбекистон бастакорлари». Собир Каримхожи.
21.10 «Алёшанинг севгиси». Бадиий фильм.

### ● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Биз бир-биримизнинг акс-садосимиз».
10.10 «Иккинчи учрашув» рукни остида. «Хорда куйловчилар». Телефильм.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Мультфильмлар: «Ит билан мушук», «Илдизлар ва поялар».
14.50 «Баҳона». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
15.55 Болалар учун фильм. «Мен қандай қилиб вундеркинд бўлдим». 2-серия.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
17.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Сочида эшитилган воқеалар».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Квартира». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
20.50 «Қора қути».
21.30 «Нунциянинг ташрифи». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Хусусий изқуварнинг саргузаштлари» сериясидан (Венгрия).
22.40 «Очил, эшикжон». Телефильм.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 «Лимпопо».
00.10 Москва камер хорининг концерти.
01.10 «Баҳона». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

### ● «ДУБЛЬ IV»

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 15 июль куни «Дубль IV» кўрсатувлари тушдан кейин бошланади.

### ● «ОВРООСИЁ»

16.55—18.20

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Болалар даврасида».
17.50 Туркиянинг маданий ёдгорликлари.

*

18.20 АҚШ телефильмлари ҳафталиги. «Бизнесни қандай етиштириш мумкин». Ҳужжатли фильм. 1 ва 2-сериялар.

*

### ● «ОВРООСИЁ»

19.20 «Иниш хонанда».
20.00 «Қайноналар».
20.50 Манзарали фильм.
21.02 Хабарлар.
21.20 Мусобақа.

*

21.55 «Қизил майдон таклиф этади» фестивали. Жаҳон санъати юлдузлари иштирокида гала-опера.

## Пайшанба, 16. VII

### ● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Истеъдод». И. Жониева, Ш. Парпиева.
8.05 «Самолёт қайтарилди». Бадиий фильм.
9.25 Турк тили.

* * *

16.50 Янгиликлар.
17.00 Футбол. Осиё кубоги. Қозоғистон — Ўзбекистон терма жамоалари учрашуви. Олмаотадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— Телефильм.
18.50 «Қўшиқ». Мультфильм.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Алифбо сабоқлари».
19.55 Дутор ва танбур тароналари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Саҳна усталари». Олимжон Салимов.
22.30 «Ёш аёл учун эркак». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

### ● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум».
19.00 «Билим сарчашмалари».
19.35 «Дўстларимиз даврасида». Муаллифлик қўшиғи.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

### ● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 Мультфильмлар: «Кичик дўстларнинг саргузаштлари». 1 ва 2-фильмлар.
10.25 «Чеҳрасига бир қаранг» рукни остида. «Эртага кун яхши бўлади». Телефильм.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Бугун ва ўша пайтларда...».
14.55 «Бу бўлган, бўлганди...».
15.15 «Баҳона». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
16.20 Болалар мусиқий клуби. «Ҳар хил мусиқалар».
17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.50 «Чеҳрангиз ёдимизда». Л. Марков.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Квартира». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
20.45 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
21.15 «Фермата».

